*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
28 март
ШАНБА
№ 24 (12764)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кўргазма

## ИЛҒОР АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

**Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да бир йўла очилган "WorldFood Uzbekistan" ва "AgroWorld Uzbekistan – 2015" халқаро кўргазмаларида илғор агротехникалар намойиши давом этмоқда. "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ташкил этган ушбу тадбир жаҳондаги ўнлаб мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда озиқ-овқат индустриясининг етук мутахассисларини ўзига жалб этди. Бўлинмаларда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига оид, яъни экин майдонларини эгатлардан тортиб, савдо пештахталаригача бўлган жараёнларга оид замонавий агротехнологиялар намойиш этилаяпти.**

"Ўзэкспомарказ"да айнан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат индустрияси соҳасига бағишланган ушбу кўргазманинг ташкил этилгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги барқарор ва жадал ривожланиб бормоқда.

– Фермерларимиз замонавий агротехнология ҳамда юқори унумдор қишлоқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланаётганлари аграр тармоқни барқарор ривожлантириб бориш имкониятини бераяпти, – дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг иқтисодий ислоҳотлар мажмуаси раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Қосимов. – Ушбу икки халқаро кўргазма аграр тармоқ билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлганлар учун қишлоқ хўжалигидаги энг сўнгги анъаналар билан танишиш, жаҳондаги илғор технология ва техникалар ишлаб чиқарувчи компаниялар билан алоқа ўрнатиш учун айни муддаодир. Шуниси диққатга сазоворки, биз ҳар йили шундай кўргазмалар доирасида "Фермерлар куни"ни ўтказмоқдамиз. Ушбу жараёнда қишлоқ мулкдорлари замонавий агротехнология ва техникалар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўладилар.

Вилоятимизда фаолият юритаётган кўплаб қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам кўргазмага ўз маҳсулотларини тавсия этдилар. Шубҳа йўқки, ҳар икки халқаро кўргазма юртимизда қишлоқ хўжалиги, умуман илғор агротехнологияларнинг жадал ривожланишига янгича туртки бўлади.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ТАДБИРКОР МУРОЖААТИ АДЛИЯ ЭЪТИБОРИДА

**Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишларга, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларини ривожлантириш йўлида маъмурий тўсиқ ва сунъий ғовларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.**

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармаси 2014 йилда судларга 576 миллион 917 минг сўмлик 104 та даъво аризаси киритди, қонунбузилиш ҳолларини бартараф этиш ва келгусида такрорламаслик юзасидан корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига 85 та тақдимнома киритди, шунингдек, маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан судларга 18 та таклифлар берилди.

Жумладан, адлия бошқармаси "Muhammadalibek va Sharifbek invest" МЧЖ раҳбари М. Дониёрованинг Паркент тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳаракатидан норози бўлиб ёзган шикоятини ўрганиб чиқди. Аниқланишича, М. Дониёрова 2013 йил 9 октябрь куни Паркент тумани давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилиб, вилоят хўжалик судининг 2012 йил 22 ноябрдаги қарори билан белгиланган 4 миллион 921 минг 600 сўм, шунингдек, 2013 йил 24 апрелдаги қарори билан белгиланган 8 миллион 324 минг 523 сўм миқдоридаги тўловларнинг қайси бири солиқ ва қайси бири мажбурий тўлов эканлигини ажратиб беришни сўраган. Лекин туман давлат солиқ инспекцияси бу мурожаатни ўрганмаган ва 4 ойдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, муаллифига жавоб берилмаган.

*(Давоми 2-бетда).*

Сайлов – 2015

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР МУСТАҲКАМ ҚАРОР ТОПГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар сайловга кўрилган тайёргарлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан танишмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг фикрлари билан қизиқди.**

**Димитриос БАКОЛАС, "European Profiles S.A." компанияси президенти, "Греция – Ўзбекистон" дўстлик жамияти раиси (Греция):**

– Ўзбекистон билан савдо, саноат ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Қўшма лойиҳаларимиз бугунги кунда ўз самараларини бераётганини кўриш жуда қувонарлидир.

Мамлакатингизда барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида миллий сайлов қонунчилиги ҳам такомиллаштирилмоқда. Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар одамлар дунёқарашини, турмуш даражасини юксалтирмоқда, аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаётир.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли тўғри ва самарадор эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Саноат, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, автомобиль ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш каби кўплаб соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётгани диққатга сазовор. Буларнинг барчаси мамлакатингизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича самарали давлат сиёсати олиб борилаётганидан далолатдир.

**Нор Фарида бинти АБДУЛ РАШИД, халқаро кузатувчи (Малайзия):**

– Ўзбекистон ғоят гўзал мамлакат. Юртингизга, одамларингизга меҳрим баланд. Халқингиз билан биргаликда Наврўз айёмини нишонлаш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, эришилаётган катта муваффақиятлар таҳсинга сазовор. Айниқса, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси онгу шуурига сингган Ўзбекистон ёшларига ҳавасим келди. Бу 2014 йилда мамлакатингизда ўтказилган парламент сайловида овоз бериш жараёнларида яққол кўзга ташланди. Президент сайловида ҳам ёшлар фаол иштирок этишига ишонаман.

**Хесус Хил ФУЕНСЕНТА, Комплутенсе университети профессори, Археологлар уюшмаси бош котиби (Испания):**

– Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Тошкент ва Самарқандни томоша қилиб, қадимий ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, мамлакатингизга мафтун бўлиб қолдим. Ўзбекистон тарихи давлат музейи менда катта таассурот қолдирди. У ердаги археологик, этнографик, нумизматик экспонатлар, нодир буюмлар, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий қадамларига оид фотосуратлар, ҳужжатлар билан танишиб, халқингизнинг ўтмиши бой, келажаги буюк эканига ишонч ҳосил қилдим.

Қадимий шаҳарларингиздаги обидаларни асраб-авайлаш, буюк ажлодларингизнинг бебаҳо меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар таҳсинга лойиқ. Зеро, бу мерос бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловлар юксак савияда ўтиши учун барча зарур ишларни амалга оширмоқда. Мамлакатингизда Президент сайлови кўппартиявийлик асосида ўтаётгани, Президент очиқ-ошкора сайловларда халқ томонидан сайланиши Ўзбекистонда демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топганидан далолатдир.

**Геральд УЙБЕРШЕР, халқаро кузатувчи (Германия):**

– Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлдим. Нукус шаҳрида И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат музейида сақланаётган дурдона асарлар билан танишиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. У ердаги ноёб экспозициялар ўз жозибаси билан менда катта таассурот қолдирди.

Қадимий ва бой маданияти, гўзал ва бетакрор обидалари, ноёб осориатиқалари билан дунёга донг таратган Хива шаҳрини зиёрат қилдим. Айниқса, Ичан-қалъа мажмуасида бўлганимда ўзимни гўё эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этдим. Буюк аллома, алгебра фани асосчиси Ал-Хоразмийнинг юрти Хоразм воҳасида бўлганимдан бахтиёрман. Азалдан илм-фан ўчоғи бўлган, улуғ сиймолар Ватани Ўзбекистонда таълим соҳаси, ёшлар тарбиясига қаратилаётган эътибор ўтмишдаги буюк ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётганидан далолат беради.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

**Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган онлайн мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчилар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

## КЕНГАЙТИРИЛГАН ОНЛАЙН МАЖЛИС






Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти мониторинги масалалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасидаги вазифалар кўриб чиқилди. Бунда миллий сайлов қонунчилиги талабларига, очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига риоя этиш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда округ сайлов комиссиялари аъзолари сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча амалий масалалар бўйича батафсил ахборот олишди.

СУРАТДА: 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзолари онлайн мажлис пайтида.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## ЮРТ РАВНАҚИ УЧУН ОВОЗ БЕРИШАДИ

**Эртага бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига вилоятдаги барча сайлов участкаларида фуқаролар конституциявий ҳуқуқларини эмин-эркин, ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.**

10-Тошкент вилояти округида барча участка сайлов комиссиялари фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятдаги 872 та сайлов участкаси 1 миллион 905 минг 858 сайловчи овоз бериши учун шай ҳолатга келтирилиб, яширин овоз бериш кабиналари ҳамда сайлов қутилари тайёрлаб қўйилди. Бемор ва кексаларнинг ушбу сиёсий жараёнда иштирок этишларини таъминлаш учун ҳам етарли имконият ва шароитлар яратилди.

Ўтган даврда комиссиямиз аъзоларининг сайлов қонунчилиги, сайловни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари аъзолари учун сайлов кампаниясига дахлдор долзарб масалалар бўйича ўтказган семинар-тренинглари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий қонунчилигимизга кўра, сайлов куни яшаш жойида бўла олмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш имкониятига эга. Мазкур қоидага мувофиқ, вилоятимиздан Умра зиёратига отланган 89 фуқаро ўз ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда муддатидан олдин овоз берди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг узоқ муддатли кузатувчилари Бенжамин Прайслер, Элоди Хермант ҳамда сайловлар бўйича эксперт Рон Лауфер округ сайлов комиссиясида бўлиб, унинг фаолияти ва ваколатлари, сайловни адолат мезонлари асосида ташкил этишга оид амалий ишлар билан танишиб, мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги ва миллий сайлов тизими халқаро андозалар даражасида такомиллашиб бораётганини эътироф этишди.

Шубҳа йўқки, вилоятимиз сайловчилари эртага сайлов участкаларига келиб, қонуний ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз равнақи ва янада гуллаб яшнаши учун ўзлари танлаган номзодларига овоз берадилар.

**Нурмухамат АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси.**

Тақдимот

## ҚОРА НИҚОБ ОРТИДАГИ ФИТНА

***Эй Ватан фарзанди, мўмин юртдошим,***
***Қара, дунё қандай қалқиб турибди.***
***Сесканмай, ноҳақ қон тўккан ваҳшийлар***
***Ўзини мусулмон атаб юрибди.***




Айни вақтида ва топиб айтилган гаплар. Ҳақиқатан ҳам бизнинг жаннатмакон юртимизда осойишталик барқарор бўлиб турган ҳозирги даврда дунёнинг турли чеккаларида ашаддий қарама-қаршилик, тўс-тўполон ва қирғинбаротлар юз бераяпти. Жумладан, Ироқ ва Сурияда-ги инсонпарвар динимиз душманлари қўлида қўғирчоқ бўлаётган террорчи гуруҳларнинг қўпорувчилик, босқинчилик каби ваҳшиёна хатти-ҳаракатлари халқаро ҳамжамиятни ларзага солаётир ва ҳар дақиқа ҳушёру огоҳ бўлишга чақирмоқда.

Юқоридаги сатрлар Айдарбек Тулеповнинг "Movarounnahr" нашриётида чоп этилган "ИШИД фитнаси" китобидан келтирилди. Ушбу китобда "Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи тўдасининг бошдан-оёқ фитнадан иборат кирдикорлари фош этилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак".



Чиноз туманида "ИШИД фитнаси" китобининг тақдимотига бағишланган тадбирда ушбу фикр-мулоҳазалар баён этилди. Тақдимот маросимида Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Тошкент Давлат ислом университети, Тошкент ислом институти, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги, Чиноз тумани ҳокимлиги масъул ходимлари иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққанлар бугунги кунда "Ислом давлати" деб аталаётган ашаддий фитначи ташкилотнинг асл мақсади ислом дини ниқоби остида бутун дунёни хароб этишдек қора ва разил ниятларига эришиш эканлигини бир овоздан таъкидладилар.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# БОШ МЕЗОНГА АЙЛАНГАН АДОЛАТ

**Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа – халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён этадиган тадбирга тайёргарлик барча шаҳар ва туманларда сайловчиларнинг фаол иштирокида қизғин кечди. Жумладан, "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили Равшан Толиповнинг Янгийўл тумани сайловчилари билан учрашуви очиқ мулоқот тарзида ўтди. Ишончли вакил учрашув иштирокчиларини Президентликка номзод Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништириб, Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.**



– Наримон Умаров дастурининг мазмун-моҳияти, устувор йўналишлари, унда илгари сурилган ғоялар "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони, адолат – ҳар бир инсон учун" тамойилларига асосланувчи Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларидан келиб чиққан, – деди Равшан Толипов. – Дастурда инсон мамлакатнинг асосий бойлиги сифатида баҳоланиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган. Унда ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида белгиланган.

Шунингдек, ишончли вакил иштирокчилар эътиборини номзод дастуридаги сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш устувор вазифа этиб белгиланганлигига қаратди.

– Номзод бошқарувда очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини асослаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни амалга оширишда жамоат назоратини қўллашга доир таклифларни илгари сурмоқда, – деди Халқ депутатлари Янгийўл туман депутати Шокир Раҳимов. – Қонуности ҳужжатларни қисқартириш, қонунларнинг мукаммаллигига эришиш, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли тамойилларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолатга таяниш ғояси сайловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



Айниқса, "кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар" эканлигидан келиб чиқиб, суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада оширишга йўналтирилган таклифлар аҳамиятлидир. Бу мақсад йўлида судларнинг демократлаштирилиши, холислиги, барча фуқаро учун тенглиги, фаолияти очиқлиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги, адвокатура институти ҳуқуқ ва ваколатларининг янада кенгайтирилишига эришишга доир устувор вазифалар ҳаётга татбиқ этилса, суд жараёнида холис тортишув ҳамда адолатлилик таъминланишида, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили Равшан Толиповнинг Юқори Чирчиқ тумани сайловчилари билан учрашуви янада қизғин мулоқотларга бой тарзда ўтди. Учрашувда ОБСЕ/БДПЧнинг Президент сайловини кузатувчи чекланган миссияси Узоқ муддатли кузатувчилар Элоди Хермант ва Бенжамин Прайслер, партия фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ишончли вакил иштирокчилар эътиборини номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича вазифалар ва ижтимоий ҳимоя тамойилининг амалда қўлланилиши масалаларига қаратди.

– Дастурда "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" тамойилига амал қилган ҳолда, аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилаш шарти бўлган давлат ижтимоий дастурлари ижросини изчил давом эттириш, анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга доир дастурий вазифалар белгиланган, – деди "Қангли" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Бегматов. – Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органлари саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу сабабли номзоднинг дастурида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда ишончли вакил Равшан Толипов сайловчиларни номзоднинг Сайловолди дастури билан таништирар экан, унда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифаларга эътибор қаратди. У саноат тармоқлари кенг ривожланган Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида инновацион технологияларни изчил татбиқ этишнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди. Н. Умаровнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ғояси бугунги кун учун жуда долзарб эканини, янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини оширишi, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаровга овоз беринг!

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати.**

# ТАДБИРКОР МУРОЖААТИ АДЛИЯ ЭЪТИБОРИДА

Мурожаатда кўрсатилган 4 миллион 921 минг 600 сўм миқдоридаги тўлов юзасидан туман давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи А. Исмоновдан тушунтириш сўралганда, бу қарор ижроси тўғрисида тушунтириш бера олмаслигини билдириб, "Muhammadalibek va Sharifbek invest" МЧЖнинг 8 миллион 324 минг 523 сўм қарзи борлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этган.

Бундан кўринадики, туман давлат солиқ инспекциясида вилоят хўжалик судининг "Muhammadalibek va Sharifbek invest" МЧЖнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича 4 миллион 921 минг 600 сўм қарзининг ундируви унинг мол-мулкига қаратилгани тўғрисидаги қарори ижроси билан боғлиқ бирон-бир маълумот ва ҳужжатлар мавжуд эмас.

(Давоми. Боши 1-бетда).

М. Дониёрованинг мурожаати юзасидан вилоят хўжалик суди раиси номига 11-1232/15531-сонли иш ҳамда 11-1336/4497-сонли иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорларини бекор қилиш таклифи, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома ва жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман судига Паркент тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Д. Ғуломов, бўлим бошлиқлари А. Исмонов ва Х. Бековга нисбатан МЖтКнинг 2411-моддаси 1-қисми билан расмийлаштирилган маъмурий баённома кўриб чиқиш учун юборилди.

Киритилган тақдимнома ижроси юзасидан Паркент тумани ДСИнинг 2014 йил 24 мартдаги 42-сонли буйруғи асосида инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари Д. Ғуломовга ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, бўлим бошлиғи А. Исмоновга ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима белгиланди, шўъба бошлиғи Х. Бековга "ҳайфсан" эълон қилинди.

Республика Олий хўжалик суди Раёсатининг 2014 йил 24 апрелдаги қарорлари билан вилоят хўжалик судининг 2012 йил 22 ноябрдаги ҳал қилув қарори, 2013 йил 27 сентябрдаги ажрими ва 2013 йил 24 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судига кўриб чиқиш учун юборилди.

Бундан ташқари, 2014 йил мобайнида бўлимга тушган 118 та шикоятдан 26 таси тўлиқ асосли деб қаноатлантирилган, 82 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимининг ишонч телефонига тушган 45 та мурожаатдан 26 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 16 таси бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Хусусан, Чирчиқ шаҳридаги "Камар-Фарз сервис" МЧЖ раҳбари Г. Йўлдошеванинг "Ипотекабанк"нинг Чирчиқ филиали ходимлари ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган мурожаатини ўрганиш жараёнида тадбиркорга қарашли дорихонага банк филиали савдо терминали ўрнатиб берган ва камчиликка йўл қўйган пластик шўъбаси бошлиғи Б. Очиловга нисбатан жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди маъмурий жавобгарлик белгилади ва банк филиали "ҳайфсан" интизомий жазосини қўллади.

**Абдуқаҳҳор САТТОРОВ, вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси.**

Тежалгани нақд фойда

# ИСРОФНИНГ ЖАВОБИ БОР

**Бугун ҳаракатдаги автомобилларнинг ярмидан кўпи табиий газ билан юради. Кейинги 7-8 йил давомида улар кескин кўпайди. Масалан, 2007 йилда 44 мингдан зиёд автомобиль сиқилган газда юрган бўлса, 2015 йилга келиб улар 741 мингдан ошди. Бу бежиз эмас албатта. Биринчидан, газ ёқилғиси арзон, иккинчидан, атроф-муҳитга зарарсиз.**

Шуни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси "Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари шахобчаларини ривожлантириш ҳамда автомобилларни сиқилган ва суюлтирилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилганди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда газ қуйиш шахобчалари кўпайтирилди. Хусусан, 2007 йилда республика бўйича 343 та шундай шахобча бўлса, шундан 24 таси вилоят ҳудудида жойлашган эди. Айни кунга келиб улар 1262 тага етди. Шундан 81 таси Тошкент вилоятида истеъмолчиларга хизмат қилмоқда.

Гап шундаки, бундай газ қуйиш шахобчаларида табиий газни асоссиз исроф қилиш кузатилмоқда. Тўғри, меъёрларга асосан, газ истеъмолчига етгунига қадар маълум миқдорда йўқотилиши белгилаб қўйилган. Бироқ, текширишлар жараёнида шу нарса маълум бўлмоқдаки, ортиқча йўқотилаётган табиий газ технологик жараёнларда эмас, аксинча, шахобча ходимларининг беэътиборлиги, белгиланган меъёрлардан бехабарлиги натижасида юзага келмоқда. Масалан, айрим шахобчаларда 700 минг куб метр газ ортиқча исроф қилинаётгани аниқланмоқда.

Газни қабул қилиш ва тарқатишда шахобча ходимлари эътиборсизлик қилаяптилар, ҳисоботларни ўз вақтида юритмаяптилар, қўлланмаларда кўрсатилган амалиётни бажармаяптилар, шунингдек, кириб-чиқаётган газнинг ҳисоб-китоби ҳам жойида эмас. Энг ачинарлиси, истеъмолчидан ундирилган технологик йўқотишлар ҳам ҳисоботларга киритилаётир. Бу эса айрим раҳбарларнинг виждонсизлигидан, ўз нафсини ўйлаб ҳар қандай қинғир ишдан қайтмаслигидан далолат беради.

Бундай ҳолларга йўл қўймаслик, газ тақсимотини тўғри ҳисоб-китоб қилиш, йўқотилаётган газ миқдорини аниқ кўрсатиш мақсадида шахобчаларда навбатчи операторлардан ташқари йўқотишларни назорат қилувчи масъул ходим тайинлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ходим аввало виждонан тўғри ҳисоб-китоб олиб борса, табиий газ ортиқча йўқотилишига, сарф-харажатларнинг ортиб кетишига чек қўйилиб, солиқ базаси асоссиз камайишининг олдини олган ҳамда турли жарима ва тўловлардан қутулган бўлардик.

**Жамол САЛИМОВ, "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими етакчи мутахассиси.**

**Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод туман кенгаши "Ўқув спорт-техника клуби" жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.**

# ВИЛОЯТДА ПЕШҚАДАМ



Ташкилотнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш, ёзги биатлон каби секцияларида ёш спортчилар мунтазам шуғулланишмоқда. Жамоада ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам бугунги кун талаблари даражасида олиб борилаётир. Айни дамда "В" ҳамда "ВС" тоифали ўқув гуруҳларида автомобиль бошқариш сирларини мукаммал ўрганаётган 100 нафардан зиёд ўқувчи кўргазмали воситалардан унумли фойдаланмоқда. Жамоа жорий йилда жами 525 нафар ҳайдовчиларни ушбу тоифалар бўйича тайёрлаб беришга астойдил бел боғлаган. Шунинг учун бўлса керак, 14 та "В", 8 та "ВС" ҳамда 5 та "С" ўқув гуруҳларида машғулотлар ўтказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ташкилот кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, ўқув машғулотларини юқори савияда олиб бориш учун етарли шарт-шароитлар яратгани ҳисобига 2014 йил якунига кўра, барча кўрсаткичлар бўйича вилоятда пешқадамликни қўлга киритди.

Хусусан, ташкилот ҳудудида 500 кв.метр ҳажмдаги майдон асфальтланиб, намунавий автомайдонга айлантирилди. Ҳозир мазкур лойиҳа вилоят миқёсида оммалаштирилмоқда. Ташкилотга қўшимча "Nexia" ва "Spark" русумли автомашиналар олиб келинди.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**

Брифинг

# КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРЛАРИ

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Россия, АҚШ, Хитой, Испания, Италия, Латвия каби хорижий давлатлар кузатувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказган брифингда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш, экспортга кўмаклашиш, инвестиция жалб этиш ҳамда саноат корхоналарини модернизация қилиш каби вазифалар ижроси ҳақида ахборот берилди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиёти ривожидаги ролини кучайтириш мақсадида қўмита унинг тузилмалари орқали тадбиркорлик субъектларига ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган жисмоний шахсларга таъсис ҳужжатлари тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, бизнес режа тузиш, ахборот, маслаҳат, юридик ва суғурта хизматлари кўрсатилди. Шу билан бирга "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" лойиҳаларига ёшлар кенг жалб этилди. Жумладан, "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаси бўйича 28 битирувчи 312 млн. сўмдан ортиқ микрокредит ажратиш ҳақидаги тавсияномаларга эга бўлди.

Амалий ишлар натижаси ўлароқ, ўтган йили 56 та қўшма корхона барпо этилди. Шундан 7 таси қурилиш материаллари, 7 таси тўқимачилик, 2 таси гўшт-сутни қайта ишлаш, 5 таси озиқ-овқат, 2 таси кимё соҳаларига ихтисослашган.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**

Ҳафталик

# «ОРАСТА ҚИЗЛАР» ДАВРАСИДА

**Халқимизда қиз бола тарбиясига азал-азалдан алоҳида эътибор берилади, авлод давомчилари, зурриёт яратувчилари сифатида ардоқланади. Ота-боболаримиз аёл зотини бегона кўзлардан асраш маъносида "ичкари", "ташқари" ҳовли курганлари бежиз эмас.**

Аммо, тезкор замон шиддати ва глобаллашув жараёнида бу каби қадриятларимиз баъзан лоқайдлик соясида қолиб кетаётгани ҳам бор гап. Мустақиллик бизга ўзлигимизни қайтиб берди, қадриятларимиз тикланди. Энди бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жойларда "Ораста қизлар" тўгараги кенг ташкил этилишидан мақсад ҳам шу аслида. Яъни миллат шаъни, ғурури, палагининг тозалиги кўп жиҳатдан қизлар тарбиясига боғлиқ. Яқинда юртимизнинг барча ўқув-таълим муассасаларида ўтказилган "Ораста қизлар" ҳафталиги шу долзарб масала хусусида бўлди.

Вилоятимиз мактаб ва коллежларида ўқиётган қизлар учун, айниқса, алоҳида аҳамият касб этган ҳафталик якунларига бағишланган тадбир Юқори Чирчиқ тумани қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда "12 йиллик мажбурий таълим – биз, қизлар учун зарур ва муҳим", "Эрта турмуш қуришнинг тиббий, маънавий, иқтисодий, ижтимоий асоратлари ҳақида"ги суҳбат, ўзаро фикрлашув ва тақдимотлар орқали янада мазмунли, қизиқарли ўтди. Ҳар бир туман ва шаҳардан келган иштирокчи қизларнинг чиқишлари мутахассислар томонидан эътироф этилди. Хусусан, Бўстонлиқ, Бўка, Оққўрғон, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туманлари қизлари кийиниши, муомала маданияти, билим даражаси билан ажралиб тургани таъкидланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

101 огоҳлантиради

# ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо, саноат ва бошқа масканларда ёнғин хавфсизлигига амал қилиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.**

Аҳоли билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Жойларда газ ва электр асбобларидан ноқонуний фойдаланмаслик, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда ёритиш мосламаларини ишлатишнинг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёнғин чиқмаслиги учун огоҳликни кучайтиришимиз керак. Огоҳлик - осойишта ҳаётимизнинг муҳим омили эканлигини доимо ёдимизда тутайлик.

**Мақсуд АДИЛОВ, ТИИБ ЁХБ смена бошлиғи.**

